


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5151200 – *Амалий санъат (ХАБС ва реставрация)* бакалавриат
таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент -2020



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.2.	5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	5
2.	5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2.	5151200 – Амалий санъат (меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	7
3.	5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар лари	8
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2.	5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	10

1. 5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **Амалий санъат (ХАБС ва реставрация)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.21. 5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) бакалаврият таълим йўналиши архитектура ва санъат соҳасидаги йўналиш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон маданий, меъморий обидаларини сақлаш ва таъмирлаш бош бошқармаси, вилоят бўлимлари, вилоятлардаги таъмирлаш устахоналари; вилоятлар маданият ва спорт ишлари бошқармаларида; вилоят, шаҳар, туманлардаги музейлар, маданий, меъморий обидаларини сақлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини, педагогик фаолиятнинг усулларини ўрганишни қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– давлат ва нодавлат таъмирлаш устахоналарида, турли шаклдаги шахсий ҳамда қўшма корхоналарда барча меъморий безакларни таъмирлаш, қайта тиклаш; музейлар коллекцияларидаги меъморий безакларни қайта тиклаш, таъмирлаш, консервациялаш ва сақлаш; галереялар, кўргазма заллари, барча меъморий безакларни таъмирлаш; шаҳар-қўриқхоналари (Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз)да меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш, консервациялаш ва сақлаш; Ўзбекистон маданий, меъморий обидаларини сақлаш ва таъмирлаш жараёнлари;

– умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежларидаги таълим тарбия жараёни.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

– меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш ва лойиҳалаш усулларини ўрганиш;

– меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш ва лойиҳалаш соҳасида замонавий техник манбаларни қўллаш (компьютер дастурлар, электрон график планиет);

– меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш лойиҳаси жараёнида таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш;

– реал объектнинг таъмирлаш лойиҳаси;

– бузилган меъморий ёдгорликларни ва уларнинг безакларини таъмирлаш жараёнини ўрганиш ва қайта ишлаш;

– тизимли ёндошув механизмларини тадбиқ этиш;

– касбий таълим дидиактикаси;

– касбий таълим педагогикаси ва таъхис технологияси;

– ўқитишнинг дидактик воситалари;

– компьютер технологияларидан фойдаланиш;

– таълимнинг электрон воситалари;

– умумий ўрта ва ўрта махсус касб ҳунар таълим тизимидаги ўрни ва роли

1.2.3. Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий -тадқиқот;
- ишлаб чиқариш;
- лойиҳалаш;
- ташкилий-бошқарув;
- педагогик фаолият (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида).

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A151201 - Амалий санъат (бадший кулолчилик);
- 5A151202 – Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгилловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассавур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш лойиҳасидан фойдаланиш;
- меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш ишларини ташкил қилиш, уларни амалиётга тадбиқ қилишни ҳамда таъмирлаш тизимларини танлаш;

- меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш соҳасидаги объектларни илмий таҳлил қила олиш;

- объектларни лойиҳалаш, ландшафт муҳитини ташкил қилиш, уларни амалиётга киритиш ҳамда таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича тадқиқотларда иштирок этиш;

- соҳа бўйича илмий-техник ахборотларни, таъмирлаш технологиялари бўйича республика ва хорижда чоп этилган илмий манбаларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-иждоий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга тадбиқ этишда қатнашиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш лойиҳасини ишлаш;
- меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш ва уларнинг тарғиботини олиб бориш,

- ишлаб чиқариш уюшмалари ва таъмирлаш устахоналарини ташкил қилиши ва бошқариш;

- бузилган меъморий ёдгорликлар безаги элементларини қайта ишлаб чиқиш ва уларни жойида қўллаш;

- меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлашни ташкил этишда ифодали воситаларнинг замонавий спецификаси комплектациясини билиш;

- меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш ишларини ташкил этишда концептуал фикрлаш методларини қўллаш;

- меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлашда ҳудудий бадий мактаб анъаналаридан фойдаланиш;

– меъморий ёдгорликлар беагани таъмирлашда эски усталарнинг иш услубларидан фойдаланиш ва қўллаш;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

меъморий ёдгорликлар беагани таъмирлашда технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;

– ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазасига, ёнғинга, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Педагогик фаолиятда (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

3. 5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5151200 – Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга

олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;
математик ва табиий-илмий;
умумкасбий;
ихтисослик;
қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1.Ўқув режа анлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар **Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни иноватга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллариининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим;

арт маркетингнинг назарий асослари, “маркетинг микс” тушунчаси ва унинг функцияси, стратегик режалаштириш тамойиллари, визуал арт, ҳамда ижро санъатида маркетинг асослари, музей маркетинги ривожланиш тенденциялари; маркетинг миксни шакллантириш, санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлаш, аудиторияларни таҳлил этиш; санъат асари нархини белгилаш, промоушенга оид фаолиятни ташкил этиш, дистрибуция воситаларидан фойдаланиш.

Умумкасбий фанлар блоки:

тасвирий санъат тур ва жанрлари; тасвирий санъат пайдо бўлиши тарихи; ибтидоий давр босқичларида тасвирий ва амалий санъатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи; тасвирий санъат атамалари билан танишиш;

касбий таълим методикаси фани касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш мазмуни; касб таълими йўналишлар бўйича таълим тизимининг узвийлиги ва ўзаро боғлиқлиги; ўқув моддий базасининг ташкил этилиши (ўқув материаллари ва мосламалар билан таъминланиши); касбий фанларни ўқитиш қонуниятлари ва

тамойиллари; касбий фанлар учун таълим мазмунини танлаш мезонлари; касбий фанларнинг ташкилий шакллари;

чизматасвир - тасвирий санъатнинг асоси; чизматасвирнинг предмети ва методи, тасвирий ўқишнинг асоси, фазовийлик, перспектива, пропорция тушунчалари, тасвирланаётган предметнинг ва предмет гуруҳларининг шакли ва ҳажми; тасвирда актив ва пассив методлар; тасвир воситалари ва чизиш усуллари;

рангтасвир тасвирий санъатнинг бир кўриниши сифатида; рангтасвирнинг турли техникалари: темперали, акварелли, гуашли; рангтасвир техникасини ўрганиш усуллари: актив, эркин ва ранг билан чуқур эътибор бериш; рангларнинг оптик аралаштирилиши; турли рангларнинг таъсир характери ва уларнинг инсон руҳиятига таъсири; турли ранглар ва боғловчи моддалар; ранглар ва туслар муносабатлари; рангтасвирнинг асосий ифодали воситалари;

замонавий лойиҳалаш воситалари; меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш лойиҳаси; меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлашнинг услубий асослари; меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлашда меъморий конструктив ечимлар; меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлашда лойиҳалашнинг асосий бадий воситалари;

меъморий ёдгорликлар безагини ишлаб чиқариш турлари ва саноатдаги технологик жараёнлар, қўлланиладиган ашёлар ва технологиялар; меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлашда қўлланиладиган ашёлар; ашёларни қўллаш усуллари; ишлатиладиган ашёларнинг физик, кимёвий, техник, экологик ва бадий-эстетик сифатлари; меъморий ёдгорликлар безаги учун ашёларни танлаш; меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлашда ашёларнинг мувофиқлиги ва хоссалари;

физик билимларни тизимлаштириш, тус ва рангларни ажратиш ва ҳис қилишга оид физиологик ва психологик билимлар; рангларнинг физикавий назарияси, рангларни кўриш ва ўлчаш, рангнинг сифатли ажратиш; композиция элементи (бадий концепция), композиция воситаси, композицион шакллар воситаси, турлари, типлари, мазмуни;

хайкалтарошлик асарини моделлаштиришда ишлатиладиган материалларни; хайкалтарошликнинг асосий воситаларини қўллаш; хайкалтарошлик асарини тассавурли образлар орқали яратиш кўникмаларга эга бўлиш;

ўлчов чизмаларни бажариш усуллари; санъат муаммоларига илмий ёндошиш; турли ашёларда (ганч, майолика, мозаика, ёғоч, кундаль, ва ҳ.) бажарилган меъморий ёдгорликлар безагини лойиҳалаш; маҳобатли-безакларни таъмирлаш усуллари; компьютерда лойиҳалаш;

Ихтисослик фанлар блоки:

санъат тарихи ва меъморий безак турлари; Ўзбекистоннинг қадимги, илк ва ривожланган ўрта асрлардаги меъморий ёдгорликлари безаклари тарихи; меъморий ёдгорликлар безаклари турлари; меъморий ёдгорликлар безакларининг келиб чиқиш тарихи;

ашёнинг физик ва кимёвий таркибларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш; етишмаётган қисм ва бўлақларини қайта тиклаш; меъморий ёдгорликлар безагини асл ҳолида сақлаш; бузилган қисмларни архив материалларига асосланиб таъмирлаш; меъморий обида безакларининг бузилиш асоратларини келтириб чиқарувчи қатламларини тозалаш; меъморий ёдгорликлар безагини асл ҳолатига максимал даражада яқинлаштириб тиклаш; турли меъморий ёдгорликлар ва бадий безаклар; таъмирлашнинг меъморий талаблари, тамойиллари ва усуллари; турли функцияли меъморий обидалар безакларини шакллантириш учун зарур бўлган манбалар мажмуаси;

меъморий ёдгорликлар тарихидаги тараққиёт босқичлари ва анъаналари; уларни сақлаш ва ривожлантириш; замонавий жараёнларга малакавий баҳо бериш;

яратилаётган бадий асарлар таъсирчанлиги ва бадий ғояси; санъатнинг ривожлантириш йўналишлари, мавжуд жараёнларга ва тарихий фактларга таяниш; санъат ривож жараёнида шаклланган турли оқимлар, стиллар ва усуллар; уларнинг юзага келишининг объектив омиллари; турли амалий санъат асарларини таҳлил қилиш;

меъморий ёдгорликларда қўлланилган ашёлар; қўлланилган ашёларни кимёвий таркиблари, рецептлари; ашёларни ташқи муҳит ва об-ҳавога чидамлилигини белгиловчи хоссалари; меъморий ёдгорликлардан олинган намуналар ва таъмирлаш устахоналари натижаларининг таҳлили; меъморий ёдгорликларни ташқи муҳитга чидамлилигини оширишнинг замонавий усуллари;

Қўшимча фанлар блоки

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5151200 - Амалий санъат (ХАБС ва реставрация) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, кулол, амалий, таъмирлаш, консервация, реконструкция, проекция, аксонометрия, безак, раппорт, аналогия, хажмий-фазовий ечим, фиксация, умумий, яхлитлик, қоралама, эскиз, картон, динамика, статика, динамика, симметрия, ассиметрия, ритм, шакл, ўлчам, ахроматика, хроматика, композицион ечим, композицион жойлашув, мозаика, майолика, терракота, кундаль, ганч, наққошлик, геометрик таҳлил, фазовий чуқурлик, силуэт, рефлекс, этюд, фактура, колорит.